

**Аҳолини иш билан таъминлаш, ишсизликдан ҳимоя қилиш борасида
давлат тадбирлари.**

Мухитдинов Х-ҚМШИ,доцент

Ахмедов Х.Ф. –ҚМШИ,талаба

Давлат бандлик сиёсати доирасида меҳнат бозорини тартибга солишда бандлик жамғармаларининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Ишсизларга узоқ муддатли пенсиялар тайинланиши муносабати билан Пенсия жамғармаси харажатлари бандлик жамғармасидан қопланади. Аҳолининг бандлик жамғармасига бадаллар тўлаши учун суғурта тарифи меҳнат ҳақига тўлашга мўлжалланган маблағларнинг 1.5%ни ташкил этади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда меҳнат бозорини бошқаришда бир қатор йўналишлар мавжуд бўлиб, улар аҳоли бандлиги давлат хизматига тааллуқлидир. Ўзбекистонда аҳоли бандлик хизмати 1991 йилдан буён хизмат қилиб келмоқда. Аммо ишсизлик давлатнинг иқтисодий сиёсий муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. Ишсизликнинг асосий сабаби ишсиз қолган ёки меҳнат лаёқати ёшига тўлган аҳолининг асосий қисми юқори иш ҳаққи тўлайдиган ишни қидиришидир. Бу эса иқтисодиётининг ўсиш суръатларини пасайтиради. Шу сабабдан жиддий муаммолар юзага келмаслик мақсадида давлат доимий равишда фуқароларни иш билан таъминлашни ошириш сиёсатини ўтказди. Биринчидан: ишсизликнинг фрикцион ва таркибий турлари ўсганда: 1-қайтадан касб ўргатиш. 2-таълим бериш тизими кенгайтириш. 3-бўш иш жойлари ҳақидаги маълумотларни аниқлаш. 4-меҳнат биржаларига инвестицияларни кўпайтириш. Иккинчидан: агар ишсизлик даврий хусусият касб этса, давлат бюджет, кредит - пул воситаларини ишга солади. 1-иш билан таъминлашни кучайтириш учун ишлаб чиқаришга кўпроқ маблағ сарфлаш. 2-тадбиркорнинг манфаатдорлигини ошириш учун ссуда ҳамда кредит фоиз ставкаларини пасайтириш. 3-ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларга солинадиган солиқларни камайтириш. Ишсизликни камайтиришнинг иқтисодий тадбирларидан энг асосийси халқ хўжалиги тармоқларида бозор талабига мувофиқ кичик корхоналарни ва шу билан бир қаторда касаначиликни барпо этишдир. Бу албатта ишлаб

чиқаришнинг ва хизмат кўрсатишнинг миқёсини оширишга қаратилган бўлиши лозим. Бунга эса, меҳнат унумдорлигини ошириш, иш жойларининг моддий – техникавий, технология ва сармоя таъминотларини яхшилаш, иш вақтидан унумли фойдаланиш, ишловчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш ва оқилона солиқлар орқали эришиш мумкин. Аҳолини иш билан таъминлаш – фуқароларнинг эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, қонунларга зид бўлмаган ва уларга иш ҳақи келтирадиган фаолиятдир. Бандликнинг аҳволи, унинг энг муҳим хусусиятлари миллий фаровонлик ҳақида, иқтисодий ривожланиш соҳасида танланган йўлнинг самарали эканлиги тўғрисида хулоса чиқариш имконини беради. Ишсизлик даражаси мамлакат иқтисодиётининг қай даражада тараққий этганлигининг ҳамда иқтисодиётда содир бўлаётган ўзгаришларнинг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Республикада ишсизлик даражасини, бандлик хизматларида рўйхатдан ўтган ишсизлар сонининг меҳнатга лаёқатли аҳоли умумий сонига нисбатан олиб ҳисоблаш мумкин. Бундай усулда ҳисобланган ишсизлик даражаси Ўзбекистонда 0.5%га тенг. Меҳнат унумдорлиги иқтисодий категория бўлиб, конкрет сарфланган меҳнатнинг натижавийлиги ёки самарадорлигидир. Айрим иқтисодчилар меҳнат унумдорлигини вақт бирлиги ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори, деб биладилар. Бошқалари эса меҳнат унумдорлиги деганда маҳсулот бирлиги учун сарфланган вақтни тушунадилар. Айрим иқтисодий адабиётларда меҳнат унумдорлиги конкрет сарфланаётган меҳнатнинг маълум вақт ичида маҳсулот ярата олиш қобилиятидир, деган тушунчалар ҳам берилган. Конкрет сарфланаётган меҳнатнинг натижавийлиги меҳнат унумдорлигидир, деган тушунча меҳнат унумдорлигининг мазмунини бошқаларига нисбатан аниқроқ ифода этади. Вақт бирлиги ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори меҳнат унумдорлигининг асосий кўрсаткичини ифодалайди. Маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт миқдори ҳам меҳнат унумдорлигининг иккинчи кўрсаткичини ифода этади. Уни иқтисодий адабиётларда меҳнатнинг интенсивлиги деб ҳам аталади. Агарда конкрет сарфланган меҳнатнинг маълум

вакт ичида махсулот ярата олиш қобилияти меҳнат унумдорлиги бўлса, меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи ҳар доим бир хилда бўлган бўлар эди. Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қилган маърузасида жаҳонда молиявий – иқтисодий инқироз туфайли анча ноқулай шароит юзага келганига қарамасдан, мамлакатимиз иқтисодиёти юқори суръатлар билан ўсганлиги бунинг асосий сабаби мамлакатимиз аҳолисининг тўғрироқ қилиб айтганда халқимизнинг фидокорона меҳнати эканлигини айтиб ўтишимиз жоиздир. Бу фикрни мисол орқали кўрсак, қуйидаги ҳолатга дуч келмиз: бир пахта терувчи барча жисмоний ва ақлий қобилиятини ишга солса, бир кунда ўртача 80 - 90 кг пахта тера олади. Лекин барча шароитлар бир хил бўлишига қарамасдан теримчи ҳар куни ҳар хил миқдорда пахта теради. Бунда натурал ва қиймат кўрсаткичлардан фойдаланилади. Натурал кўрсаткичларга вақт бирлиги ичида ишлаб чиқарилган ялпи ҳосил ва бир бирлик махсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт миқдори қиради. Албатта, меҳнат унумдорлигининг натурал кўрсаткичлари ҳар бир махсулот тури бўйича алоҳида ҳисобланади. Бу кўрсаткичлар маълум камчиликка эга. Қишлоқ хўжалигида бир ишчи ходим йил давомида турли тармоқларда, яъни пахтачиликда, дончиликда, сабзавотчилик ва бошқа тармоқда фаолият кўрсатади. Вилоят бўйича асосий кўрсаткичлар прогнози ҳақида гапирадиган бўлсак, 2009 йилда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти 2008 йилга нисбатан 5 %га ўсиши тахмин қилинмоқда. Шу жумладан бозор хизматлари 18.2 %га қўрилиш пудрати ишлари 20.1 %га саноат махсулотлари ишлаб чиқариш 15 %га истеъмол моллари ишлаб чиқариш 18.8 %га экспорт эса 4.9 %га ўсиши кўтилмоқда. Албатта бу мақсадларга эришиш учун 400 дан ортиқ янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш ва корхоналарнинг иқтисодий аҳолини яхшилаш савдо, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш белгиланган. Бугунги кунда ўта долзарб муаммо – аҳолини иш билан

таъминлаш масаласида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, касаначилик турлари шакллари жорий этиш, айниқса қишлоқ жойларида чорвачилик ва парандачилиқни ривожлантиришга устувор аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишида 2009 йилни қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили эълон қилиниши мамлакатимизнинг аҳолисининг асосий қисми қишлоқ жойларда яшаши боис, жамиятнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланиши, аҳолини иш билан таъминлашга ва унинг фаровонлигининг ошишига навбатдаги омил бўлиб ҳисобланади.

Қисқача қилиб айтганда давлатимиз раҳбари ва ҳукулатимиз томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар келгусида мамлакатимиз аҳолисининг шу жумладан қишлоқ аҳолисининг фаровонлигининг ошишига, иш билан таъминланиш даражасининг ошишига, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янги сифат даражасига кўтариш, қишлоқ аҳолисининг ўй – жой шароитларини, аҳоли фаровонлигини белгилайдиган кўрсаткичларнинг яхшиланишига омил бўлади.